Рос. кітапхана палатасы УзССР 80796

*Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!*

# Туркистон

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1996 йил 15 июнь. Шанба. № 39 (14337)

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 14 июнь куни Бельгия ҳукумати расмий вакили, сенатор Роберт Урбен раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.



Ислом Каримов Ўзбекистон халқи Бельгияни яхши билишини, унинг Европада ва жаҳонда муҳим ўрин тутишидан воқифлигини таъкидлади. Ҳудудида Европа Иттифоқи (ЕИ) қароргоҳи ва муассасалари жойлашган Бельгия Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги ҳамкорликни ёқлаб овоз бергани муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди.

— Бельгия катта экспорт қудратига эга мамлакатдир, — деди, жумладан Ўзбекистон раҳбари. — Ўзбекистон ҳам табиий заҳираларга, хомашёларга бойдир. Шу боис икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва бошқа турли соҳаларда ҳамкорлик борасида фойдаланилмаган имкониятлар кўп.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Бельгия Қироллиги ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари В. Чжен, Ташқи ишлар вазири ўринбосари Ш. Шоисломов иштирок этди.

Учрашувда Бельгия Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси М. Адам ҳозир бўлди.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни Японияннинг хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси (ЯХИҲЖ) вице Президенти М. Куботани ҳам қабул қилди.

Президент Ислом Каримов Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги тобора ривожланиб бораётган ҳамкорлик яна янги лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга руҳлантираётганини қайд этди. Икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланишида Японияннинг бу машҳур жамғармаси муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

Япония хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармасининг ўзига хослиги шундаки, у узоқ муддатга мўлжалланган лойиҳаларни қўллаб-қувватлайди, — деди жумладан Ислом Каримов.

М. Кубота ташриф давомида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлганини таъкидлаб, ҳамкорликда вагонсозлик заводи барпо этиш лойиҳасини ҳар икки томон учун ҳам манфаатли эканини айтди.

Қабул маросимида Ўзбекистон бош вазири У. Султонов иштирок этди.

Учрашувда Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Укэру Магосаки ҳозир бўлди.

**ЎзА.**

*«Ўзбекистон — Ватаним маним»*

**Комил АВАЗ сўзи** — **Озод БОБОНАЗАРОВ мусиқаси**

## ХУШРЎЙ БЎЛДИ ЗАМОНА

*Она юртим Ўзбекистона,*
*Эрк нур сочди гўзал бўстона.*
*Алёр келди жўшиб забона,*
*Дил яйрар йўқ ўрин баёна,*
*Нечоғ хушрўй бўлди замона.*

*Эркалайди замин фараҳбахш,*
*Созимизда Росту Наво, Нақш,*
*Раббим бизга эрклик этди бахш,*
*Нурли тонгдан куйлар фасона,*
*Нечоғ хушрўй бўлди замона.*

*Қуввати кўп олис мозийни,*
*Мутриб чалган баланд созини,*
*Эшитсинлар бор овозини,*
*Довруқ солгин жумла жаҳона,*
*Нечоғ хушрўй бўлди замона.*

*Қўшиқларим парвози авжли,*
*Мақом оҳанглари ривожли,*
*Бу бир уммон тўлқинли, мавжли,*
*Тўймоқ борми баҳру уммона,*
*Нечоғ хушрўй бўлди замона.*

*Табаррукдир азиз тупроғим,*
*Муҳаббатга тўлуғ дил боғим,*
*Комил Аваз тириклик чоғим,*
*Юрт ишқида дер ёна-ёна,*
*Нечоғ хушрўй бўлди замона.*




*«Камолот» жамғармасида*

## КЕЛГУСИ АСР ЁШЛАРИ

### УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Президент Ислом Каримов ЮНЕСКО қароргоҳида сўзлаган нутқида бу муътабар ташкилот ёшлар муаммоларига жиддий эътибор бериши зарурлигини, бу замин ва дунёни мерос қилиб қолдирадиган авлодларнинг эҳтиёжларига қаратилган келажак авлодлар ҳуқуқлари конвенциясини ишлаб чиқишда фаол иштирок этишга тайёр эканлигимизни айтган эди.

«Камолот» жамғармаси мазкур долзарб ва хайрли масалани ҳал этишга қўл уриб, республикамиз келгуси авлоди ҳуқуқларига доир таклиф ва мулоҳазаларни ўрганиш мақсадида илмий-амалий семинар ўтказди. Унда Олий Мажлис депутатлари, ЮНЕСКО, давлат ташкилотлари, Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари вакиллари, олимлар қатнашди.

Семинар ишини жамғарма бошқаруви раиси Ҳотам Абдураимов очар экан, жумладан шундай деди:

— Биз ёшлар ҳуқуқлари конвенцияси ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало ушбу ишга ёндошиш концепциясини, ҳаракатларимизни мувофиқлаштириш ва ёшларимизга салбий таъсир кўрсатаётган механизмлар ҳолатини ўрганишимиз лозим. Зеро, жаҳон тараққиёт сари дадил қадам ташлаётган бир пайтда, ёшлар муаммоларига, жумладан, экологик фожеалар ҳаёт сурьатининг кучайиши, шаҳарларнинг кенгайиши ва бунинг оқибатида ёшлар ўртасида гиёҳвандлик, қурол контрабандаси, миллатлар ўртасидаги низолар каби ҳолатларнинг келажак авлод руҳиятига салбий таъсир этаётган бир пайтда уларни ҳар жиҳатдан ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жаҳон ҳамжамиятининг бирламчи вазифаларига айланиши давр талабидир.

Анжуман иштирокчилари кун тартибидаги масала юзасидан қизғин баҳс юритиб, бир қанча таклиф ва тавсияларни баён этишди.

Республикамиз ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган экан, ёш авлоднинг ўз ҳуқуқларини билишлари ниҳоятда муҳимдир. Ёшларнинг ҳуқуқий билимларга эга бўлишлари, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қила олишлари Ўзбекистоннинг келажакда ҳақиқий демократик давлат сифатида тараққий этишига имконият яратади.

— Ҳозирги вақтда ёшларнинг ҳар томонлама камол топишлари, имкониятларини тўла намоён этишлари учун шарт-шароитлар яратиш улкан ишга қўл уриш билан баробардир. Зотан, республикамиз тараққиётининг асосий мезони ҳам ёшларнинг камолоти учун яратилган шароитлар масаласига бевосита таалуқлидир, — дейди ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси масъул котиби А. Икромов.

— Ёшлар ҳақида гапирганда аввало уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини аниқлаб олишимиз керак, — деди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бўлими мудири О. Мусулмонова. — Ёшлар, зотан ота-она, маҳалла-кўй олдидаги бурчларини тушуниб етсинлар. Шунингдек, бугунги ёшларимиз ҳуқуқий, иқтисодий, тиббий саводхонликка эришсинлар. Уларда маданиятлилик, ўз устида мустақил ишлаш, китобхонлик тўйғуларини уйғотиш лозим. Фақатгина жамиятдан тайёргина нарсаларни олиб қолмасдан, балки ўзларида яратувчанлик, ишбилармонлик, ижодкорлик қобилиятларини шакллантиришлари даркор.

Сўзга чиққан «Камолот» жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи муовини М. Қирғизбоев, Олий Мажлис қўмитаси котиби Т. Усмонов, фалсафа ва ҳуқуқ институти профессори Қ. Ҳоназаров, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ф. Абдурахимова, Ёшлар тадқиқот маркази раҳбари А. Арапов, профессорлар А. Тулаганов, П. Шермухамедов, халқаро Амир Темур жамғармаси бошқаруви масъул котиби Т. Жабборовлар ҳам Президентимиз бошлаган хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлаб, умуминсоний ва миллий қадриятлар муштараклиги асосида ёшлар ҳуқуқлари ва бурчлари аниқланиб, шу асосда жамоат ташкилотлари, вазирликлар, олимлар, мутахассислар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида конвенция лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлиги хусусида сўзлаб таклиф ва тавсиялар билдиришди.

Семинар иштирокчиларининг фикрича, ЮНЕСКОнинг мутассадди тизимлари билан ҳамкорликда келгуси авлод ҳуқуқлари конвенциясини ишлаб чиқилиши XXI аср ёшлари тақдирига ижобий таъсир этиши шубҳасиздир.

## «КАМОЛОТ» — ЁШЛАР КЎМАКЧИСИ

Яқинда фаолият бошлаган Ўзбекистон ёшлари «Камолот» жамғармасининг асосий вазифаларидан бири ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, бугунги масъулиятли, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида уларни иш билан таъминлаш, куч-ғайратларини бунёдкорлик ишларига сафарбар этишга кўмаклашишдан иборатдир.

Шу боис, «Камолот» жамғармаси мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ходимлари, хорижий давлатлар ишбилармонлари, компания ва фирмалари учун республика ҳудудида, айниқса, қишлоқ жойларида жамғарма тузилганлиги муносабати билан пайдо бўлган янги имкониятларга бағишланган учрашув ўтказди.

Учрашувда қишлоқ жойларга чет эл инвестициясини жалб қилиб, кичик корхоналар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб берадиган ихчам цехлар, маданий-маиший хизмат шохобчалари қуриш, ўзаро ҳамкорликда ёшларга замонавий техника ва технологияларни ўргатиш, шу асосда қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучини саноат ва маиший хизмат соҳаларига ўтказиш йўллари ҳақида аниқ фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, маданий масканлар — спорт клублари, стадионлар қуриш, қишлоқда ёшларга маданий-маиший шароит яратиш масаласига эътибор қаратилди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

***Сизнинг мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларига кичик саноат-технологик линияларини, цехлар ва корхоналарни жорий этиш; қишлоқ жойларга кичик саноатни олиб кириш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил қилиш; аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган Ишланма ва Таклифларингизни амалга оширишингиз учун ҳамкорликнинг энг яхши шароитларини яратиб беради.***

***Ишланма ва Таклифларни танлов асосида кўриб чиқиш учун аризалар 1996 йилнинг 1 августига қадар барча жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек, чет эл фуқароларидан, ташкилотлар ва ассоциациялардан қабул қилинади.***

**Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 11, Ўзбекистон Ёшларининг «Камолот» жамғармаси. Телефонлар: 41-00-72, 42-74-12, 41-03-83 Факс: 41-08-09.**

***Танлов иштирокчилари ўзларини қизиқтирган ахборот ва маълумотларни ҳафтанинг душанба куни соат 14.00 дан 18.00 гача Ўзбекистон Ёшларининг «Камолот» жамғармаси кичик залидан олишлари мумкин.***

*ЎзИНФО: ишончли, қизиқ, ҳаяжонли, оламшумул янгиликлар*

### ТАНҚИД УЧУН ҚАМОҚ

**ФАЗО сектори.** Фаластинлик инсон ҳуқуқи учун курашчилар ҳаракатининг бир гуруҳи яна Ясир Арафат ҳукумати хавфсизлик хизмати томонидан қўлга олинди. Ўтган ойда ҳам ҳукумат махсус хизмати ҳаракат етакчиларидан бири Эйяд Саражни қамоққа олган эди. Унга ҳеч айб қўяолмаган ҳукумат вакиллари озодликка чиқаришга мажбур бўлдилар. Ахборот агентлиги мухбирларининг фикрига кўра, Э. Сараж Арафат сиёсатини кескин танқид қилгани учун қамоққа олинган.

### «ҒОЛИБЛАР»

**БМТ.** ЮНИСЕФ экспертларининг таҳлилига кўра, ривожланаётган давлатларда ҳар тўрт аёлнинг бири туғиш пайтида ё умрбод ногиронликка, ё улимга маҳкум экан. Махсус эксперт комиссиясининг таъкидлашича, Сьерра-Леоне ва Афғонистонни туғиш пайтидаги оналар улими бўйича «голиб» ҳисобласа бўларкан.

### МЕТРОДА ПОРТЛАШ

**РОССИЯ.** Москва метросининг «Тульская» бекатидан ҳаракатланаётган поезд вагонларидан бирида юз берган портлаш натижасида тўрт киши фожиали вафот этди ва 16 киши жиддий тан жароҳати олди. Фалокат юз берган жойга етиб келган ўт ўчирувчиларнинг фикрига қараганда, портлатувчи модда олдинги вагон ўриндиқларидан бирининг остига жойлаштирилган экан. Бу ишни ким ва нима мақсадда амалга оширгани ҳозирча номаълум.

## КИТОБ БАЙРАМИ

Мана диёримизда озодлик шамоли эса бошлаганига ҳам беш йил тулаяпти. Бу ёқда соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг 660 йиллиги тантаналари давом этаётир. Ана шу байрамлар арафасида Ўзбекистон Республикаси давлат Матбуот қўмитаси Матбуот ва оммавий ахборот ходимлари куни олдидан, бугун Самарқанд шаҳрида «Китоб байрами» ўтказмоқда. Тадбирдан кўзланган мақсад билимларимиз хазинаси, миллий мафкурамизнинг бош дастури ҳисобланмиш асарларни омма орасида кенг тадбиқ этишдир.

Байрамда барча нашриётлар, республика оммавий ахборот воситалари ходимлари, шунингдек, элимизнинг севимли ёзувчи, шоир ва санъаткорлари иштирок этмоқдалар.

**Раъно ДАВЛАТОВА.**

# ҒАЛЛА ХИРМОНИ ЮКСАЛМОҚДА

***САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ**нинг Тойлоқ туманида ҳам ғалла ўримига киришилди. Аввалроқ ўримни бошлаган Пахтачи тумани деҳқонлари вилоятда биринчи бўлиб ғалла карвони ташкил этди. Улар бу йил 4771 гектар суғориладиган майдонда 19 минг 900 тонна арпа ва буғдой етиштириш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Ғаллазорларда АҚШдан келтирилган 30 та «Кейс» комбайни ишламоқда.*

***ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ** Жиззах, Пахтакор, Дўстлик, Арнасой ва Мирзачўл туманлари деҳқонлари ҳам ғалла ўрим-йиғимини бошлаб юборди. Уримнинг дастлабки кунларида суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача 30-36 центнер ғалла олишга эришилмоқда. Вилоят деҳқонлари бу йил 500 минг тонна дон етиштиришга аҳд қилган.*

**(ЎзА).**

*Ғулистон туманидаги «Улуғбек» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасида 1060 гектар майдонга экилган ғалладан мўл ҳосил олишга пухта замин яратилди. Уюшма ғаллакорлари Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг беш йиллиги нишонланадиган бу қутлуғ йилда 40 центнердан хирмон кўтаришни мўлжалламоқдалар.*

**Суратда: уюшма бошқаруви раиси Исматилла ТЎХТАМИШЕВ.**

**Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.**

Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорида қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартиришнинг асосий вазифалари белгилаб берилди. Шу давр мобайнида унда деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш билан бир қаторда саноатнинг турли тармоқлари ривож топади. Маданий-маиший хизмат корхоналари очилади.

Сурхондарё вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят «Истиқболстат» бош бошқармаси бошлиғи А. АҲМЕДОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

# ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ

—Аҳолисининг асосий қисми қишлоқда яшайдиган вилоятимиз учун бундай тадбирларнинг амалга оширилиши ғоят муҳим аҳамият касб этади. Жойларда таълим ва медицина хизмати такомиллаштирилса, аҳоли табиий газ, ичимлик сувдан тўла баҳраманд бўлса, қишлоққа саноатни кўчириш йўли билан янги иш жойлари ташкил этилса, кўпгина ижтимоий-иқтисодий муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлади.

Вилоятда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури 70 та қишлоқ врачлик даволаш пункти очиш режалаштирилган. Улардан ётитаси шу йилиёқ қурилади. Фельдшерлик-акушерлик пунктларини қишлоқ даволаш шифохоналарига айлантириш ҳисобига ҳам соғлиқни сақлаш тизими такомиллаштирилади. Улар малакали врачлар, зарур тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланади. Эски мактаблар ўрнида долзарб масаладир. Шу йилнинг ўзидаёқ жами 420 минг квадрат метр уй-жой қурилади. 2000 йилгача 960 километрли сув ва 1896 километрли газ қувурлари тортилади, янги телефон станциялари ишга тушади.

Ана шу ишларни изчил амалга ошириш мақсадида вилоят комиссияси ташкил этилди. Хуллас, Сурхон воҳаси қишлоқлари қиёфаси ҳадемай тубдан ўзгаради. Аҳоли турмуш фаровонлиги юксалади.

**Ч. ТЎХТАЕВ,**
**ЎзА муҳбири**

*Бизнинг мусоҳаба*

# АМЕРИКА ТАБАССУМДАН БОШЛАНАДИ

***XX аср поёнида толе яна бизга кулиб боқди. Аждодларимизнинг аср бошидаги орзулари аср сўнгида рўёбга чиқди. Жаҳон минбарларидан озод мамлакат — Ўзбекистоннинг эрк, тинчлик, тенг ҳамкорликка чорлаган овози баралла янграмоқда...***

***Бугун Ватанимиз жаҳон демократия андозаларига ҳар томонлама мос бўлиши учун Матбуот олдига алоҳида талаблар қўйилган. Президентимиз россиялик журналистлар билан бўлган суҳбатда шу мавзуга тўхталиб: «Матбуотга келсак, тўғри, у ҳозирча ҳар қандай демократик давлатда бўлиши керак бўлган мавқеда эмас... Биз журналистларимизни хорижга ўқишга, жумладан, АҚШ, Германия ва Ҳиндистонга узоқ муддатли сафарга юборяпмиз», деган эдилар.***

***Яқинда ўзбекистонлик бир гуруҳ журналистлар АҚШда бўлиб, америкалик матбуотчилар фаолияти ва иш юритиш тартиби билан танишиб қайтди. Қуйида шу сафар иштирокчиси, «Савдогар» газетасининг Бош муҳаррири Муҳаммаджон Ораз-медов ўз таассуртлари билан ўртоқлашди.***

— Барча ривожланаётган мамлакатлар учун бугун кўп соҳаларда Америка тажрибаси намуна бўлаётгани сир эмас. Тан олиш керакки, океан ортидаги бу мамлакат иқтисодий масалаларга омилкорлик нуқтаи назаридан ёндашиб, юксак тараққиётга эришди. Америка ҳукуматининг таклифи билан биз, ўзбекистонлик бир гуруҳ журналистлар «Демократик жамиятда матбуотнинг роли» деб номланган саёҳат-дастурда иштирок этиб қайтдик. Бир ойга яқин муддат ичида турли даражадаги олтмишдан зиёд учрашувларга қатнашиб, АҚШ ахборот агентлиги тармоғи фаолияти билан яқиндан танишишга муваффақ бўлдик. Жумладан, Оқ уй, Пентагон, Конгресс ва шунга ўхшаш кўпгина нуфузли давлат идораларининг матбуот хизмати билан танишиш бизда катта таассурот қолдирди.

АҚШнинг бир қатор штатларини кезиб, турли тоифа вакиллари билан мулоқот қилиб, у ерда матбуот том маънода тўртинчи ҳокимият сифатида эътироф этилишининг гувоҳи бўлдик. Халқ ўз матбуотига ишонади. Юксак ишонч, мавқега лойиқ бўлиш учун америкалик ҳар бир журналист тинимсиз жон куйдирар экан. Улар ҳар қандай мақола ва хабар тезкорлик билан, аниқ далиллар асосида ёзилишига катта эътибор берадилар. Қисқаси, америкалик журналистларни чин фидокорлар десак, муболаға бўлмайди.

Сафар давомида она юрт шаъни, халқ манфаати хорижлик ҳамкасбларимиз ҳаётининг тўлиқ мазмунини ташкил этишига амин бўлдик. Улар учун мамлакат ҳаётига алоқадор муаммоларнинг катта-кичиги йўқ. Танишувларимиздан бирида шаҳар газетасининг таҳририят йиғилишига кириб қолдик. Йиғилишда тез кунлар ичида амалга оширилиши керак бўлган иш режаси тасдиқланаётган экан. Кўпчилик мухбирлар шаҳардаги баъзи йўлкаларда бегона ўтлар кўзга ташланаётгани ҳақида ташвишланиб гапирдилар. Мажлис сўнгида бу ҳол энг муҳим муаммо сифатида қайд этилиб, зудлик билан шу мавзуда мақола тайёрлаб, мутасадди раҳбарларни ва аҳолини огоҳлантириш лозимлиги биринчи галдаги вазифа қилиб белгиланди. Шу кичик бир мисолнинг бизнинг матбуотчиларимиз учун ҳам ибрат бўлгулик жиҳатлари кўп бўлса керак, деб ўйлайман.

**— Муҳаммаджон ака, ўзаро гап-сўзларимизда техника асри, компьютер асри деган ибораларни кўп қўллаймиз. Аммо бу иборалар Америкадек ривожланган мамлакат** несменларнинг иши юришмаса, газета қошидаги мутахассис-экспертлар уларнинг фаолиятини ўрганиб, қаерда хатога йўл қўйганларини аниқлаб беради.

Америкада чоп этиладиган кўпгина газета ва журналларнинг ўз босмахонаси мавжуд. Бундай имконияти йўқ таҳририятлар эса ўзларига маъқул босмахона билан шартнома тузадилар. Босмахоналараро рақобат газета ва журналларнинг ўта сифатли чиқишига катта таъсир кўрсатади.

**—Америкада журналист кадрларни тайёрлаш қай йўсинда йўлга қўйилган?**

— Бу борада ҳам ибрат **номи билан бирга талаффуз қилинса, унинг моҳияти янада теранроқ мазмун касб этса керак...**

— Шубҳасиз, шундай. Мен техника мўъжизаси нима эканини Америкага қилган сафарим чоғида бир қадар англаб етдим. Америка ҳаётини яқиндан билиш, кўриш мақсадида оилаларда бўлдик. Деярли ҳар бир хонадонда хусусий компьютер борлигини кўриб, ҳайратим ошди. Компьютерларга Интернет система уланган бўлиб, уни «электрон газета» дейишаркан. Содда қилиб айтсак, бу — қоғоз-бўёқсиз газета. Ҳар бир фуқаро уйида туриб компьютер орқали истаган ахборотини ўқиши ва айни пайтда ўзи ҳам ахборот бериши мумкин экан.

**— Техниканинг ақл бовар қилмас ютуқлари газета ва журналлар чоп этишда қандай қулайликлар яратган? Умуман америкалик ноширлар фаолияти ҳақида ҳам тўхталсангиз?**

— Компьютерлар кундалик турмушга қанчалик кириб бормасин, газета ва журналлар мавқеига соя солмаган. Бунга шу соҳа вакиллари замон талаблари, илғор қарашлар асосида ўз фаолиятларини такомиллаштириб бораётганлари тафайли эришганлар. Биргина Феникс шаҳар газетаси бегим кунларида 480 минг, якшанба кунлари эса 600 минг нусхада чоп этилади. Газеталар маблағ билан ўз-ўзини тўла таъминлайди. Таҳририят ходимлари тадбиркорлик борасида ҳам чаққон. Америка иқтисодиётини ривожлантиришда, хорижий сармояларни мамлакатга жалб этишда оммавий ахборот воситаларининг роли беқиёсдир.

Калифорния штатида чоп этиладиган «Кичик бизнес» ҳафталиги фаолияти диққатимизни тортди. Кичик бизнесни қуллаб-қувватлаш савдо палатаси муассислигида 30 минг нусхада чиқадиган 16 саҳифалик газетани замонавий техника ёрдамида бор-йўғи икки нафар ижодий ходим тайёрларкан. Газетанинг асосий вазифаси — кичик бизнесни бошловчиларга маслаҳат бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш. Бошловчиларга нафақат назарий, балки амалий ёрдам ҳам кўрсатилади. Агар бу бизолсак арзийдиган анча ишларни кузатдик. Бу ерда ҳар бир олий ўқув юртининг ўз матбуот хизмати мавжуд. Сакраментодаги тиббиёт университетида бўлганимизда талабаларнинг ўзлари ранг-баранг мавзуларда жуда мазмунли газета чиқараётганликларини кўрдик. Вашингтондаги Жорж Вашингтон номидаги университет нафақат Америкада, балки бутун дунёда «Журналистлар мактаби» деган ном билан машҳур. Бу ерда талабалар, таъбир жоиз бўлса, журналистиканинг қайноқ «қозон»ида қайнайдилар. Университетда назарий ва амалий дарслар қўшилган ҳолда ўтилади. Талабалар журналистиканинг турли ихтисослари бўйича алоҳида-алоҳида таълим оладилар. Уларнинг ёши, миллати ҳар хил, чунки бу ерда дунёнинг турли-туман мамлакатларидан келиб таълим олувчилар ҳам анчагина. Университетда фақат талабалар томонидан чиқариладиган газета, журнал, қисқа тўлқинларда ишлайдиган радио станцияси ва телесутдия бор. Телесутдия ҳар куни 16 соат кўрсатув намойиш этади. Муҳаррир, мухбир, режиссёр, оператор ва бошқа ҳамма вазифаларни талабаларнинг ўзлари мустақил бажарадилар. Ўқитувчи-устозлар вақти-вақти билан уларнинг ишини баҳолаб, маслаҳат бериб турадилар, холос. Агар Ўзбекистондан ҳам инглизчада бемалол мулоқот қила оладиган журналист талабалар бу ерда ўқиш истагини билдирса, улар бажонидил ёрдам қилишларини айтдилар.

**— Озодлик ва фаровонлик рамзи сифатида бу мамлакатда кўпроқ нималардан таъсирландингиз?**

— Бу мамлакатда хушмуомалалик энг муҳим фазилат ҳисобланаркан. Кучақўйда қовоқ солиб юриш маданиятсизлик деб саналади. Кайфиятингиз ёмонми, жаҳлингизни уйингизга ташлаб чиқинг, ўзгалар кайфиятингиз учун айбдор эмас. Кўча, ишхона, барча жамоат жойларида одамлар бир-бирларига илиқ табассум ила муомалада бўлишлари лозим. Мажоз билан айтадиган бўлсак, Америка табассумдан бошланаркан...

**Суҳбатдош:**
**Р. СИРОЖИДДИН.**

*Биз билган ва билмаган дунё*

# БЕПОЁН КОИНОТ СИРЛАРИ

Бироқ одамнинг мавжудлиги тасодифан бўлмаганлиги сабабли биз билган космос ҳам бошқача бўлиши мумкин эмас.

Эллигинчи йилларнинг ўрталарига келиб олимлар бизнинг Коинотимизда атомлар, юлдузлар, планеталар ва ҳаётнинг мавжудлиги маълум физикавий қонунларга зид келмаслигига эътибор беришди. Бундан бир оз кейинроқ пайдо бўлган «одам маълум типдаги табиат жараёнларининг бевосита гувоҳи» деган фикр ғоят муҳим. Машҳур америкалик физик Д. Уилернинг фикрича, табиатда мавжуд бўлган тартиб-қоидаларсиз одамлар бўлмаслиги мумкин эди, аммо одам бор экан, демак Коинот ўзида ўзатилаётган хусусиятларга ҳақиқатдан ҳам эга. Ҳаётнинг мавжудлиги Коинот эга бўлиши мумкин бўлган хусусиятларни чегаралайди — улар у ёки бу даражада аниқ бўлиши керак. Бошқача айтганда, ўзгача хусусиятларга эга бўлган бошқа Коинотда биз умуман вужудга келмаган ва мавжуд бўлмаган бўлар эдик. Бу борада француз олими Р. Декартнинг «Мен фикрлаётирман, шунинг учун олам қандай бўлса, шундайдир», деган машҳур афоризмини эслаш кифоя. Шу фикрларни умумлаштириб: «Биз Коинот қандай бўлса шундай бўлганлиги учун мавжудмиз» деган фикрни илгари суришимиз мумкин. Бу принцип ҳозирги замон табиатшунослиги ва фалсафасида антроп принцип деган ном олган.

Гарчи антроп принципнинг ўзи том маънода ҳеч нимани тушунтириб бермаса-да, у илгари эътибор қилинмаган қатор масалаларни ўртага қўйиши ва ҳал қилинишига ёрдам беради. Масалан, Коинотнинг қайси хусусиятлари туфайли биз мавжудмиз? Албатта, бу саволга жавоб бериш анча мушкул. Чунки бизнинг мавжудлигимиз Коинотнинг қандайдир бир хусусиятида ҳал қилувчи роль ўйнашига ишонишимиз агар ўша хусусият бўлмаган тақдирда ҳаёт ҳам мавжуд бўлмаслигини ва ривожланмаслигини кўрсатиб беришимиз керак бўлади.

Материянинг эволюцияси бутунлай тасодифий ва бетартиб бўлмай, бу жараённинг асосий йўналиши ва уни содир бўлиши Коинотимизга тааллуқли бўлган фундаментал қонуниятлар ва физик хусусиятлар билан белгиланади. Унинг энг асосий фундаментал хусусиятларидан бири — галактикаларнинг бир-биридан «узоқлашишидир». Коинотнинг юлдузсимон оролларни — электромагнит нурланишининг кучли манбаларидир. Галактикаларнинг узоқлашуви туфайли космик фазонинг ҳар бир нуқтасига келиб тушадиган умумий нурланиш жуда сусаяди. Агар галактикалар ўзаро яқинлашганларида эди, Коинотнинг ҳар бир нуқтасига тўғри келган радиация зичлиги ва демакки, космик муҳитнинг ҳарорати ута юқори бўлган бўлар эди. Бундай Коинотда биологик ҳаётгина эмас, балки бошқа бирон бир мураккаб структуранинг ҳам мавжуд бўлиши мумкин бўлмай қолар эди. Демак, биз кенгаяётган Коинотда яшаётганлигимизнинг сабаби бор. Ҳаёт мавжуд бўлиши учун зарур бўладиган иккинчи шарт бизнинг фазомизнинг уч улчами (уч координат ўқи) бўлишидир.

Коинотимиз эволюциясининг характери ва структураси ҳозирги замон фанига маълум бўлган тўртта физикавий таъсир — электромагнит, гравитация, кучли ва кучсиз ўзаро таъсирларни белгилайдиган фундаментал физик катталикларнинг сонли қийматига ҳам боғлиқ. Бўлар қаторига, шунингдек, электрон заряди ва массасини ва баъзи бир физикавий муносабатларни ҳам қўшиш мумкин. Бу катталикларнинг Коинотимиздаги қийматлари мураккаб структураларни ва ҳаётнинг мавжуд бўлишини таъминлайдиган физикавий шароитни белгилайди. Сўнгги йилларда утказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, агар фундаментал доимийликларнинг сонли қийматлари ҳозиргисидан бир оз фарқ қилганида ҳам мураккаб структуралар тирик организмларгина эмас, балки атомлар ҳам вужудга келмаган бўлар эди.

Сўнгги йилларда кенгаяётган Коинот назарияси янада ривожланди ва юқорида айтиб ўтилган муаммоларнинг баъзиларини тушунтириб беришга имкон яратди. «Шишаётган» Коинот ғояси топилиб, унга асосан кенгайишнинг бошланғич даврларида Коинотнинг ҳажми секунднинг жуда ҳам кичик улушлари ичида 10.50 маротаба ортиб борган. Шунинг учун «шишаётган» Коинотни баъзан «инфляцияга учраган Коинот» деб ҳам аташади. Коинотимиздаги физикавий доимийликларнинг мажмуаси ғоятда нодирдир. Маълумки, барча нодир нарсалар ғоятда кам эҳтимоллиги билан характерлидир. Бизнинг Коинотимиз сон-саноқсиз, жуда кўп кенгайиш ва торайиш циклларини ўтаган, бу циклларнинг ҳар бири бошланиш вақтида ўз физикавий доимийликларнинг мажмуи бўлган ва улар у циклдан бу циклга ўтишда ўзгарган. Биз дунёга келган циклда физикавий доимийликлар ва бошқа хусусиятларнинг мажмуи мураккаб структуралар ва тирик организмларнинг пайдо бўлиши учун мақбул шарт-шароитларни яратган, қолаверса, моддий дунёда сон-саноқсиз турли-туман Коинотлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос физикавий доимийликларга ва хусусиятларга эга.

Кейинги ўн йилликларда ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, планетамиз Қуёш системасида ноёб самовий жисм экан. Аввало, Ер Қуёшдан шундай масофада жойлашганки, бу масофада Ер Қуёшдан ҳаётни таъмин этишга етарли бўлган миқдорда ёруғлик ва иссиқлик олиб туради. Қуёш системасидаги планеталардан фақат Ер сув қобиғига, гидросферага эга. Сув эса тирик ҳужайра, тирик модда таркибига киради. Шунингдек, Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида бошқа муҳим сабаблар ҳам роль ўйнаган бўлиши керак. Бўлар — бирламчи атмосферанинг кимёвий таркиби, муайян оғирлик кучи Қуёш радиациясининг таркиби, маълум бир кимёвий элементларнинг мавжудлигидир.

Бундан ташқари Ернинг ҳаво қобиғида азон қатлами бўлиб, у Қуёшнинг қаттиқ ультрабинавша нурларини ютиб қолади. Бу нурлар ютилмаганда эди, Ердаги барча тирик мавжудот нобуд бўлар эди. Бизнинг яна бир «ҳимоячимиз» — Ернинг магнит майдонидир. Одамда ер магнетизмини сезадиган орган йўқ. Аммо бу кўрилмайдиган ва сезилмайдиган магнит майдони космик фазони тешиб ўтиб келаётган ва ҳаёт учун хавфли бўлган юқори энергияли зарраларни қайтаради ёки ушлаб қолади. Шундай қилиб, Ер ўзи қандай бўлса шундайлигича мавжудлиги билан сирлидир.

**Раҳим БЕКЖОНОВ,**
**Ўзбекистон ва Нью-Йорк фанлар академияларининг академиги. Хизмат кўрсатган фан арбоби.**

*Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари*

# КАУФМАН НЕГА КУЛДИ?

Тарих ва адабиёт алоҳида-алоҳида соҳа бўлса-да, ўзаро чамбарчас боғлиқ. Зотан тарихнинг ҳам, адабиётнинг ҳам марказида турувчи зот инсон. Ҳар иккаласи ҳам инсон фаолиятининг муайян қирраларини ўз йўналиш тизими доирасида акс эттиради. Адабиётга инсоншунослик дея қисқа таъриф бериш мумкину, (шундай таъриф берилган ҳам), аммо бундай таъриф тарихга унча мос тушмайди. Чунки тарихда инсон фаолияти ҳис-ҳаяжонсиз, босиқ тасвирланади. Шахснинг ички оламини тадқиқ этиш тарихдан талаб қилинмайди, майда-чуйда деталлар, инсоннинг муайян ҳолатдаги руҳий кечинмаларини тасвирлаш тарихчи учун айтарли шарт эмас. Лекин тарихий китобларда ҳам айрим ўринлар учрайдики, улар тарих соҳасидан кўра, бадиий асар саҳифасини кўпроқ безайдигандек туюлади. Бундай ўринлар тарихий битик ичида туриб ҳам бадиийлик, яъни кўпқатламлилик, сержилолик касб этади.

Маълумингизки, 1991 йил «Камалак» нашриёти «Мерос» туркумидан қатор ноёб тарихий асарларни чоп этди. Китобдан Абу Тоҳирҳожанинг «Самария», Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий», Ибратнинг «Фарғона тарихи» асарлари ўрин олган. Баёний асарини қўлёзма манбалар асосида луғат ва изоҳлар билан филология фанлари номзоди И. Азизова тайёрлаган, масъул муҳаррир филология фанлари номзоди Нусратулло Жумаев. Биз Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг ўз салафлари Мунис ва Огаҳий тарихий китобини давом эттириб, охирги Хоразм хонларидан бири Муҳаммад Раҳимхон соний — Феруз даврини қаламга олган саҳифалар билан танишар эканмиз, айрим ўринларда муаллиф тарихий тасвирда бадиий услубни қўллаб юборганини кўрамиз. Асарнинг энг қизиқ жойлари, шубҳасиз, ўрис босқинчи қўшинининг Хева хонлиги устига юриш қилиши ва охир-оқибатда уни забт этиб, вассал-қарам сифатида яна Муҳаммад Раҳимхонни тахтга ўтқазиб кетиши ҳақидаги воқеалардир. Маълумки, ўрис қўшинларининг умумий қумондони янги ташкил этилган Туркистон губерниясининг генерал-губернатори К. П. Кауфман эди. У фақат ҳарбий бўлмай, узоқни кўзлайдиган маккор сиёсатдон ҳам эди. Янги босиб олинган ерларда жорий этилган «Туркистон ўлкасини бошқариш низоми» айнан Кауфман бошчилигида ишлаб чиқилгани ҳам маълум. Тарихчи Ҳайдарбек Бобобеков ёзганидек, «Унинг ташқи сиёсати уч мустақил ўзбек давлатини ўзаро бирлашишга йўл қўймаслик, хонликларни вассаллик даражасида — тобеликда ушлаб туришдан иборат эди».

Хуллас ўрис қўшинлари зарбасига чидай олмай Муҳаммад Раҳимхон аёнлари билан шаҳарни тарк этгач, аллақачондан бери хон бўлиш иштиёқида юрган амакиси Амир Тўра, кейин маълум бўлишича, икки-уч кунлик хон бўлди. Баёний ёзади: «Вақтеким, хон ҳазратлари шаҳардан чиқиб кетдилар, Амир Тўра, филхон, Арккa келиб хон бўлди ва эгнига гулнор чакман ва бошига жиғали телфак кийиб тахтда ўлтурди. Уч-тўрт дарвозабону табақачи ва бир неча баққолу қассоб кириб, хонлиқ муборак бўлғай, деб фотиҳа бердилар» (юқоридаги китоб 217-бет).

Бу ишнинг ғалат ва номуносиблигига ўрис қўшинига қаттиқ қаршилик кўрсатган лашкарбошилардан бири (бежиз Кауфман уни Сибирга сургун қилмаган) Раҳматулло ясовулбоши мантиқли ва чиройли жавоб беради: «Раҳматулло ясовулбоши бошини ирготиб, амирнинг юзига қараб: «Аввал душманнинг дафъин этинг, ондин сўнг не бўлурман десангиз, муносиб бўлур», деб чиқиб кета берди» (шу ерда, 217-бет).

Ана шу «хон» шаҳар остонасида турган Кауфманга элчи орқали нома йўллаб, Муҳаммад Раҳимхон қочиб шаҳардан чиқиб кетгани, сўнг катта-кичик Амир тўра Кауфманга қарата деди: «Сизнинг келганингиз бизларнинг ҳақимизда ғаоят яхши бўлди. Муҳаммад Раҳим юртни бошқара олмай ва юртдин парвойи бўлмай давоми айшу ишратга машғул эрди... Алҳол, қочиб кетди. Онинг қайда кетганин билмасмиз. Улуғ-кичик йиғнолиб бизни шундоғ этдилар («Хон этдилар» дейишга журъати етмаётир — С. М.) Энди сиздин илтимосимиз будирким, бизлар била сулҳ қилиб, юртни бизларга топшириб вилоятнинг обод бўлмоқиға сабаб бўлғайсиз». Кауфман кулуб деди: «Муҳаммад Раҳимхоннинг ўзига киши юборинглар. Сулҳни онинг била этарман» (218-219-бетлар).

Кауфман нега кулди?

У ғолиб эди, шунинг учун кўнгли чоғ эди. Балки юртига ҳалокат хавф солиб турганда тахт талашаётган аъёнлар унинг кўзига ғалати кўрингандир. Балки улкан империянинг юксак мартабали генерали шундай таҳликали онда буларнинг бу қадар пастлигини кўргач, ўз-ўзининг наздида ғоят баландпеша туюлиб, кайфият-руҳияси кўтарилиб кетгандир.

Балки у фикрларининг ҳаммасида жон бордир, балки айримлари тўғри бўлиб, айримлари бизнинг тўқимамиздир. Буни энди тарихан қайта тиклаш мумкин эмас, фақат тахмин қилиш мумкин, халос. Лекин шуниси аниққи, босқинчи генерал Хоразм давлатининг бир ҳовуч юксак мартабали аҳёнлари олдида ўзини ғоят юксакда деб ҳис этди. Бу муаррих Баёнийга ҳам алам қилган, ҳозир ўқиган ўзбекка ҳам анчайин ғижиниш уйғотиши табиий.

Кауфманни яна бир ҳолатда, мағлуб Муҳаммад Раҳимхон билан бўлган дастлабки мулоқотда кузатайлик ва мулоқотнинг заминига диққат қилайлик. Бунда Кауфман ўзини осмонда деб ҳис эта олмайди, у Ферузни ким ва қандай маънавият эгаси эканини яхши билади, шекилли. Иккинчидан, бу парча Муҳаммад Раҳимхон ҳукмдор сифатида мағлуб бўлса-да, ботиний жиҳатдан енгилмагани, ўз дунёқарашида собит эканлигини кўрсатади.

Кўрушиб, сўрашиб бўлгондан сўнг Кауфман деди: «Мен мунда баён қилади. Энди бевосита матнга мурожаат қиламиз:

«Кауфман кулуб (таъкид бизники — С. М.) деди: «Бориб айтгил Муҳаммад Раҳимхонга киши юбориб келтурсинлар. Биз Муҳаммад Раҳимхон била сулҳ қилурмиз». (218-бет).

Нома фойда бермагач, Амир Тўра уй қамоқда ётган хоннинг биродари Отажон турани озод қилиб, у билан бирга Кауфман ҳузурига равона бўлишади. Муаррих Баёнийнинг нигоҳи сингган. У суҳбатда иштирок этмаган, иштирок этганда эслатган бўларди. Суҳбат тафсилотини шоҳид бўлган амалдорлар ёки шахсан хондан сўраб олган бўлиши мумкин. Баёний асар сўнгтида ёзганидек: «Фақир, биззарура, ул ҳазратнинг ҳам жулусларидан то вафотларигача бўлгучилардин сўрашиб топганимча ва билганимча китобат қайдига киргуздим. (265-бет).

Муҳими бу ҳам эмас. Гап шундаки, она Туркистонимиз тарихининг фожиали оғир кунларида бўлиб ўтган юқоридаги тафсилотлар тарихий аниқ нуқталардир. Тарихий аниқлик уларнинг бадиий қийматини янада бўрттиради ва тасвир тарихий-бадиий жозиба касб этади.

Тақдир Россияга, Кауфманга кулиб боққанди, шу сабаб у тақдирга беписанд эди. Унинг вақти чоғ, кулишга ҳам, табассум қилишга ҳам ҳадди сиғар эди. Лекин жумла жаҳонни яратган Оллоҳ беҳад адолатлидир. Тақдир бировга нуқул кулиб, бошқа бировга нуқул ёвқараш қилмайди. Ойнинг ун беши қоронгу бўлса, ун беши ёруғ, чор генералининг тантанавор кулгиси шу кунда чорасиз алам уйғотмайди. Чунки энди ўша кулгунинг таги пуч. Не бахтки, биз мустақил Ватанга эгамиз.

**Сувон МЕЛИ.**

*Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига*

# «УЛУҒ СУВ НАЗАРҒА КЕЛДИ»

XIV аср охири ва XV асрда Амир Темур ва темурийлар томонидан кишини ҳайратга солувчи меъморлик ёдгорликлари барпо этилди. Соҳибқирон даврида Самарқандда «Дилкушо» саройи, «Боғи чинорон», «Боғи шамол», «Боғи нав», «Боғи баланд», «Боғи дилкушо» боғлари бунёд этилди. Кейинчалик бу борада Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобоси Амир Темурга муносиб ворис бўлди.

Бадиий, тарихий ва саргузашт насрий асарларда бошқа мавзу қатори сув, суғориш ва умуман ирригация ва мелиорация тизими ҳақида турли даражада мурожаат қилинганлигини кўрамиз. Бу масала Бобурнинг «Бобурнома»сида жуда кенг ва атрофлича берилганлиги муаллифнинг табиатга, ерга муносабатини, ободонлаштиришга бўлган юксак иштиёқини билдиради.

Адибнинг «Бобурнома»да зикр этган жуда кўп сонли мавзулари ичида суғориш мавзуи шу билан ҳам алоҳида диққатга лойиқки, у Бобур яратувчанлиги, иморат қуриш, боғ яратиш, ҳаётга умид ва ҳавас билан қараш каби руҳий ҳолатини очиб беради. Шунинг учун бу буюк адибнинг дунёқараши, билими, ҳаётга муҳаббати, келгуси авлод учун ҳам яшагани, энг муҳими юксак тасвирлар орқали моҳир адиб сифати ҳам яққол намоён бўлганлигини кўрамиз.

Бобур томонида тасвирланган мана бу поёнсиз сув омборини кўрайлик. Бунда муаллиф табиат яратган сув омбори — жамламасининг келиб чиққан негизи, унинг иқтисодий томони, сарфланиши, ҳатто қайси ерларни суғоришга яроқлилиги ҳақида тўхталади: «Бир, икки-уч кўчдин сўнг Оби Истодаға етдук. Ғариб улуғ сув назарға келди. Ул юздаги даштлар ҳуд асло кўринмайдур. Сув осмон билан пайваст кўринадур. Мунда йиғилур сувлар Катта воз водийсининг ва Зумрат жулғасининг ва Ғазни рудининг, Қорабоғ улангининг, баҳор ёмғирларининг селлари ва ёзлар сув улғайганда зироатдан ортқон сувлар эмиш».

«Бобурнома»нинг жуда кўп жойида Бобур Ҳиндустонда дарёлардан ташқари оқар сув йўқлигидан нолийди. Фикримизни аниқ баён қилиш учун мана бу парчани олиб кўрайлик: «Ора қўнуб Банур ва Санур ёқасиға тушдук. Ҳиндустонда дарёлардин бошқа оқар сувким, борбудур муни Гагар суви дерлар, Читр ҳам бу сув ёқасиндадур. Бу сув юқори сайр қила отландук. Читртин уч-тўрт қуруҳ юқорироққим, бу сув руднинг зиҳидин чиқиб келадур, рўд юқорироким, сайрга борилди, бир кенг дарадин тўрт-беш тегирмон сув чиқиб келадур. Юқорироқ хели латиф ва хушҳаво муносиб ерлардур. Ушбу сувнинг кенг дарадин чиқишида бир чахорбоғ буюрдум. Бу сув тузга тушиб, бир-икки қурух йўл бориб, рўдга сингадур. Гагар суви зиҳдин чиқар, бу сув сингар ердин уч-тўрт қурурух қуйироқ бўлғай. Пашколда бу рўд суви қалин келиб, Гагар сувиға қотилиб, Сомона ва Саномға борилур».

Матндаги бир жиҳатга эътиборни қаратмоқчимиз. Олдин Ҳиндустонда оқар сув йўқ, деган Бобур бу юртни кеза туриб Банур ва Санур рудига етар экан, бу мамлакатда дарёлардан ҳам бошқа оқар сув борлигини кўриб хурсанд бўлади. Шубҳасиз, уни бу маҳалнинг шароити, гидрогеологик ҳолати жуда қизиқтиради. Айниқса бу сувнинг бошланиши ва ниҳоясини билиш унинг учун жуда муҳим кўринади. У сув ёқалаб бориб сув манбаи ҳажми («тўртбеш тегирмон»)ни аниқлайди. Ҳиндустон табиатининг серрутубатлиги, ҳавосининг диққинафаслиги Бобурни жуда қийнаган. Бу жой эса унинг учун энг аввало оқар суви борлиги, кейин эса «хили латиф ва хуш ҳаво муносиб ерлар»и билан диққатини тортган. Аниқроғи, бу мавзе унга нимаси биландир ўз Ватанининг бир парчасини эслатган бўлиши мумкин. Шу боис, Бобур бу жойда боғ қуришни буюрар экан, унинг жойини «кенг дарадан чиқишда» белгилайдики, бу бежиз эмас. Чунки ҳозирги замон курортология фанида ҳам дам олиш масканларини айни тоғ дараларининг чиқишида, шамол, оқар сув ва мўътадил микроиқлим ҳосил бўлувчи жойда қуриш маслаҳат берилади.

Бобур мавзени ўрганишни шу билан тугатмаган. Сув ёқалаб бориб бошқа сувни рўд катта ариққа қўшилишини ёзади. Бироқ, унинг таъкидлашича, Гагар суви «зиҳобдин чиқар». Ана шу иборага эътибор берайлик. Заҳоб суви одатда шўр, ёки суғоришга нолойиқ бўлиб, ташландиқ сув сирасига киради. Шунинг учун муаллиф унинг қуяр ерини, дарёчасини айри-айри, битталаб аниқлаб кўрсатган. Илмий тил билан айтганда, Бобур фақат юқоридаги парчада юзаки бўлса ҳам гидрологик тадқиқот фаразларини баён этган, сувнинг ҳосил бўлиш асоси, ҳажми, ҳавзаси, ер рельефи, суғориш майдони, сув нави ва таркиби, унинг пайдо бўлиш жойи ва қуйилиши, шу сув ҳавзасида қурилиш олиб бориш имкони, истиқболи ва боғ яратиш учун муносиб эканлиги борасида муайян фикр билдирган.

Албатта, Бобурдек Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаб, тўрт фасл, оқар сув ва хисобсиз дарёларни кўрган одам учун Ҳиндустоннинг биқиқ, қарийб оқар сувсиз шароити маълум рухий азоб эди. Шунинг учун у «доимо хотирга етар эдиким, Ҳиндустоннинг бир улуғ айби будурким, оқар суви йўқтур», деган ва бу юртнинг қаерига бормаса «ҳар жойда ўтурушлуқ» ер бўлса «чархлар ясаб, оқар сувлар қилиб, тарҳлик ва сиёқ ерлар ясаса» деган фикрни ҳаётлиги келтиради. Бунда бир жиҳат диққатни тортади: Бобур қаерда боғ яратмасин, иморатлар қурмасин, «тарҳ» ва «сиёқ»ли бўлиши шартлигини алоҳида таъкидлайди. Бу боғнинг тўрт бурчли, тўғри чизиқли, хуллас барча жиҳатини аниқ, гўзал симметрияли бўлишини биринчи шарт қилиб олади. У ана шунга ўхшаш боғни Агранинг Жўн суви ёқасида қуришни танлайди. Бироқ, бу жойнинг хаддан ташқари ташландиқлиги, бесиёқ ифлослигини кўриб «чорбоғ хаёли хотирадан чиқди», дейди. Аммо ўша давр шароити, балким бошқа мавзенинг боғ яратиш учун топилмаганлиги туфайли бари-бир, боғни шу жойда яратиш зарурати туғилади. Кейинги тасвирда Бобурнинг сув имкониятларидан оқилона фойдаланиш, суғориш ва ичимлик сувини покиза ва тежаб сарфлаш, энг муҳими ифлос, «макруҳлиғи ва нохушлиғидин» киши табиати тортмайдиган сувни покиза сувга айлантириш йўлини топади, бир неча ҳавзалар қуриб, сувни тиндириб, тозалаб, кейин фойдаланади. Бу сатрлар яна бир марта инсон иродаси, меҳнатга муносабатини ва шу қатори топқирлигининг исботидир. Бобур шахсиятига келганда эса уни бир умр яратувчанлик, ижод ва ҳаётда изланувчи шахс бўлиб қолганлигидан ҳам далолат берган: «... Неча кундин сўнг зарур бўлуб, бу ерга уқ илиқ қуюлди. Улу улуғ чохким, ҳаммом суви андиндур, бунёд бўлди. Яна бир парча ерким, амбули дарахтлари ва мусамман хавз андадур, булардин сўнг улуғ хавз сахна бўлди. Андин сўнг тош иморат олдидаги хавз ва толор бўлди. Андин сўнг «Хилватхона» боғчаси ва уйлари бўлди. Андин сўнгра ҳаммом бўлди».

Захириддин Муҳаммад Бобур ҳаётнинг мазмуни, унинг ривожи ва гўзаллигини энг аввало сув, айниқса оқар сув билан муштаракликда кўради, «Бобурнома»да хоҳ Андижон, хоҳ Самарқанду Қобул, хоҳ Ҳиндустон ҳақида сўз бормасин, муаллиф албатта ҳар бир жой тасвирига келганда аввало унинг оқар суви ҳақида гапириб, бу жойнинг келажаги, ривожи, гўзаллиги, истиқболининг мезони этиб сув вохидини олади. Мисоллар таҳлилига ўтишдан олдин уч-тўртта қисқа сатрларда шу жиҳат ўз аксини топганлигини кўрсатмоқчимиз:

— «...Самарқанд шаҳридан шарқ тарафидадур, бир нима шимолға моил, бир шаръий бўлғай. Қора сувким, Обирахмат ҳам дерлар, Конигилнинг ўртасидан оқар, етти-саккиз тегирмон суйи бўлғай. Бу сувнинг атрофи тамом обгирдур».

— «...Чағонсарой суйи шар — шимолий тарафидан кофиристоннинг ичи била келиб, бу вилоятнинг ораси била ўтуб, Кома бўликида Борон суйиға қўшулуб, шарққа боқа оқар...»

— «Ғаразки мунча йўлким бордилар, сув бир қоида била отнинг қорнида эди. Туз ер учун ғолибо суйи чуқур эмастур. Каттавоз даштининг Оби Истодға келур рудининг ёқасиға келиб тушдук. Бу руд қуруқ рудтур, мунда ҳаргиз сув оқмас, неча навбатким, мундин ўтибтурмиз, ҳаргиз бу рудда оқар сув қурилмабтур. Бу навбат ёз ёғинлари жиҳатидин бу рудқа андоқ сув келибтурким, асло гузар тополмадик».

Юқоридаги ҳар уччала мисолда Бобурнинг асл мақсади сув, суғориш ва у билан боғлиқ мавзу эмас. Биринчи мисолда Самарқанднинг Конигил мавзеидаги Обирахмат ариғи (ҳозир ҳам бу ариқ шу ном билан аталади ва мавжуд) ҳақида гапирар экан, мақсади шу мавзенинг сув билан таъминланишини айтиш, холос («бу сувнинг атрофи тамом обгирдур»). Мавзунинг асосийси Конигил даҳасининг азим Самарқандда тутган ўрнини кўрсатиш.

Иккинчи мисолда ҳам худди шу ҳолат. Фақат бунда гап Афғонистоннинг Кунар ва Нургул туманлари ҳақида боради ва шу шаҳарлар мавқеини билдиришда ҳам Бобур дарё, сув мавзусига мурожаат қилади.

(«Нургул бу сувнинг ғарб тарафидур, Кунар шарқ тарафи»). Шу жумладан сўнг Мир Саид Ҳамадонийнинг Нургулга қилган сафари ва бошқа мавзулар ҳақида сўз борадики, сув мавзуига даҳлдор эмас.

**(Давоми 4-бетда).**

# ХЎЖАҲАЙРОННИНГ ТЕРИ ПОЛВОНИ

Қашқадарёнинг Касби туманига қарашли Хўжаҳайрон қишлоғи елкаси ер искамаган полвонлар юрти. Воҳа одамлари орасида бир ҳикматомуз гап юради: «Хўжаҳайрон — ярми полвон, ярми карвон».

Хўжаҳайронлик фидойи мураббий, фахрий спортчи Файзулла Асадов шундай ҳикоя қилади:

— Бизнинг қишлоқ атроф овуллар орасида «полвон» қишлоқ дея ном чиқарган. Полвонлик бизда қадим анъанага эга. Амирлик замонларида, ундан олдин ҳам Хўжаҳайрондан номдор полвонлар жуда кўп чиққан. Хўжаҳайрон авлиё бобонинг ўзи ҳам полвон бўлган экан. Юқорида зикр этилган нақл ҳам бежиз эмас. Боболаримизнинг кўпчилиги полвонликни, кўплари эса карвонликни одат қилишган. Чунки қишлоғимиз қадимий Буюк Ипак йўли устида жойлашган. Бутун Қашқа воҳаси ва қўшни вилоят ҳамда республикаларда кураш тушиб ном чиқарган Ражаббой (Тери) полвон, Қобил полвон, Мурот полвон, Войис полвон, Барно полвон, Тўра полвон, Ғаффор полвон, Йўлдошотон, Қутли полвон, Лақайполвон, Шоҳимардон полвон, Панжи полвонларни Қашқадарёда яхши билишади. Булар орасида Бухоро амирининг полвони бўлган Тери полвон мўъжизавий куч соҳиби, афсонавий полвон сифатида элнинг ёдида қолган. Касбилик Назаркарда полвон бир кам тўқсон ёшли Маҳмудхон Эшон бува полвонни шундай эслайди: Тери полвонни урушдан олдин давраларда кўрганман. Полвонлар ундан дуо олишарди. Қайвонилар эъзозлаб соврин беришарди. Тери полвон бизнинг устозимиз эди. Унинг кураш усуллари, у билан боғлиқ воқеалар бизга ёд бўлиб кетган.

Ражаббой ота-онадан жуда эрта етим қолиб Хўжаҳайрон даштларида эчки боқиб юради. Боши яғроқ кал бўлган 17-18 ёшлар чамасида тоғаси Қобил полвон ва Барно полвонлар билан бир тўда Хўжаҳайрон полвонлари Бухорога амирнинг курашига (Сайил куни) жўнаётганда Ражаббой ҳам улар орқасидан эргашади. Сенга нима бор деб уни йўлдан қайтаришади, қайтмайди. Полвонлар изидан пиёда юриб Бухорога етади. Кураш бошланади. Даврага амирнинг энг зўр полвони Мурод полвон чиқади. Юрак бетлаб унга чиқадиган полвон топилмайди. Ражаббой тоғаси Қобил полвонга: — Шу полвонга мен чиқаман, — дейди Қобил полвон уни жеркиб беради. Мурод полвон гердайиб айланишда давом этади. Чидай олмаган Ражаббой сакраб даврага чиқади. Ҳамма ҳайрон. Мурод полвон масхара қилиб кулади: «Келиб-келиб мен шу жанда калга чиқаманми? Ана Қобил полвон, Барно полвонлар чиқсин!». Амир чордоқдан имо қилгач, кураш бошланади. Менсимай олишаётган Мурод полвонни Ражаббой қутариб уради. Мурод полвон ўжарлик қилиб йиқилганим йўқ, дейди. Яна курашади. Бу сафар Ражаббой катта полвонни роса чалқараман қилиб қўқрагига миниб олади. Амир чордоқдан зар чопон ташлаб, бу терику, Тери полвон, бизнинг полвонимиз бўлди! Буни руйхатга тирканглар, дейди.

Шундан кейин Ражаббой — Тери полвон бўлиб катта сайилда беш олти полвонни йиқитади. Салкам 40 йил кураш тушади. 55 ёшида охирги марта 18 ёшли полвонни йиқитиб даврани тарк этади.

Женовликлар Тери полвоннинг зўрлигини шундай таърифлашади; 300 килодан оғирроқ тегирмон тошини 10-15 одам қўтаролмай турганда Тери полвон келиб тошни қутариб, осонгина туяга ортиб беради. Айтишларича, Тери полвон сира йиқилмаган. Елкасида — кураги ўртасида беш панжанинг изи бўлган экан. Полвон пайғамбар ёшида вафот этган. Агар у киши тирик бўлганларида 110 ёшга тўлган бўларди. Тери полвоннинг беш ўғли бўлган. Катта ўғли Очил полвон урушда ҳалок бўлган. Ҳозир эса фақат кенжа ўғли Бешвой ака барҳаёт. Нафақа ёшида. Хўжаҳайронда яшайди. Айни кунда ҳам Хўжаҳайрон полвонлари давраларда ҳайқириб кураш тушмоқда. Итолмас полвон, Қорёғли полвон, Мурод полвон, Шомурот полвон, Мелис полвон, Тўра полвон, Зиядулла полвонлар Тери полвоннинг назаркарда руҳи олдида таъзим қилишади. Хўжалик раҳбарлари, миллий кураш ишқибозлари Тери полвоннинг 110 йиллигига бағишлаб хотира турнири ўтказиш тараддудида. Ўзлигини унутмаган эл ҳаммадан узади...

**Ғози РАҲМОН,**
**журналист.**

# АСКАРЛАР СОҒЛИГИ ФИДОЙИСИ



Шундай аёлларимиз борки уларнинг ғайрату-шижоатига, ҳаракатига қойил қоласан киши.

Шифокор Мастура Мертоева ана шундай аёллардандир.

Хизмат бурчи армияда эканлигини ҳис қилган Мастура Узбекистон ИИВ Ички Қўшинларига қарашли зобит А. И. Терно сардорлик қилаётган ҳарбий бўлинмада мутахассис шифоркор бўлиб ишлаётганига эндигина бир йилдан ошди. Лекин Мастура узининг билимдонлиги, касбига садоқатлилиги туфайли ҳарбийлар жамоаси ўртасида обрў қозонган шифокордир.

Сиз суратда кўриб турган шифокор Мастура Мертоева атрофидаги йигитлар армия сафига келгунга қадар тиббиёт билим юртини битириб бир оз ишлашган.

Улар М. Мертоева кўмагида билимларини тактик ҳарбий тиббий билимлар билан янада чуқурлаштириш ҳамда хизматдош дўстларига зарур бўлганда тиббий ёрдам кўрсатиш билан машғулдирлар.

**Абдумажид ЭРГАШЕВ,**
**тиббий хизмат капитани.**

# ЎЗБЕКИСТОН ОЙНАИ ЖАҲОНИДА

## ДУШАНБА, 17

**ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**Профилактика муносабати билан 17 июнь куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.**

**I**

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Исловот ва масъулият».
18.40 Футбол шарҳи.
18.55 АКСЕЛС. Таълимдаги халқаро алоқалар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
21.05 «Миллат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.40 «Оила даврасида». Мусиқий дастур.
22.10 «Саҳна ҳаёти». Ўзбекистон халқ артисти Саъдихон Табибуллаев.
22.55 «Олимп сари». Бокс.
23.15 «Оддий кун». Манзарали фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Европа чемпионати.
01.25 — 01.35 Тунги концерт.

**II**

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Палитра».
19.05 ТВ II намойиш этади.
19.15 «Постфактум».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Курьер».
20.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
20.20 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ТВ II намойиш этади.
21.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.40 — 23.40 «Спорт қитъаси».

**III**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
8.30 Ўсмирлар учун. «Ўйла! Изла! Топ!» Телетанлов.
9.30 «Жаҳон киноси юлдузлари». Вайжантимала.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади». Публицистик кўрсатув.
10.35 Ўзтелерадиокомпания камер оркестрининг концерти.
11.05 «Гулобод ва хон Феруз». Телевизион бадиий фильм.
12.20 Футбол. Европа чемпионати.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Афшона — ибн Сино ватани». Телефильм.

*

**Россия давлат телевидениеси**
**18.10 — 20.40**

*

20.40 «Арвана — туркман туяси». Телефильм.

*

**Россия давлат телевидениеси**
**21.10 — 21.30**

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.25 «Синема». Кинокўрсатув.
23.00 — 23.05 Янгиликлар.

**IV**

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

## СЕШАНБА, 18

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Олимп сари». Бокс.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.10 Эстрада қўшиқлари.
9.30 «Мўлжал». Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун «Ҳунар — ҳунардан унар».

**Ўқув машғулотлари:**

10.30 Абитуриент-96. Математика.
11.00 Немис тили.
11.30 Абитуриент-96. Она тили.
12.00 «Ассалом, япон тили!».

*

12.40 «Ёрдамчилар», «Инсон ва шер». Мультфильмлар.
13.00 «Ишбилармон». Тележурнал.
13.30 «Мунгли оҳанглар жозибаси». Кинокўрсатув.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кувноқ алдоқчи». Мультфильм.
18.20 Кичкинтойлар учун. «Доно бобо даврасида».
18.55 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Мусиқий дақиқалар.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!»
21.05 «Табаррук қадамжолар». Соҳибқирон излари...
21.25 «Рақс театри одимлари». «Тановар» миллий рақс ансамбли.
22.10 «Ватанни севмоқ иймондандур...» Публицистик кўрсатув.
22.50 «Стадионда учрашамиз». Кинокўрсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Европа чемпионати.
00.45 — 00.55 Тунги концерт.

**II**

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.15 «Блиц». Фотокўрик.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Бизнес-уик».
20.10 «АРТ-журнал».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 — 00.40 «Спорт қитъаси».

**III**

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Эртак учун раҳмат». Телефильм.

*

**Россия жамоат телевидениеси**

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

**18.10 — 20.40**

*

20.40 «Бу ажиб дунё».

*

**Россия давлат телевидениеси**
**21.00 — 21.30**

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

**IV**

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

## ЧОРШАНБА, 19

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Стадионда учрашамиз». Кинокўрсатув.
8.55 «Қишлоқ тадбиркорлари». Имконият излаб.
9.25 «Ёшлик» студияси. «Ватанпарвар».
9.55 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Севги рақси».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Кўнгил кўприклари». Публицистик кўрсатув.

**Ўқув машғулотлари:**

10.30 Абитуриент-96. Кимё.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Абитуриент—96. Физика.
12.00 «Маслёнкалик бузоқча». Мультфильм.
12.20 Футбол. Европа чемпионати.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ўйинқаро болалар». Мультфильм.
18.20 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
18.55 «Фан фидойилари». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Фирдавсий мукофоти совриндори Шоислом Шомуҳамедов.
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Қўшиқлар кўрик-танлови.
21.25 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Сирдарё вилояти.
21.55 Футбол. Осиё кубоги. Ўзбекистон — Тожикистон.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Европа чемпионати.
01.25 — 01.35 Тунги концерт.

**II**

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 ТВ II намойиш этади.
18.40 «Кулгига нима етсин!».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.20 — 00.20 «Спорт қитъаси».

**III**

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Армудлар». Телефильм.

*

**Россия жамоат телевидениеси**

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

**18.10 — 20.40**

*

20.40 «Тоғ капалаклари». Телефильм.

*

**Россия давлат телевидениеси**
**21.00 — 21.30**

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.25 «Мусиқа ҳақида мулоқот». Моцарт. 1-кўрсатув.
23.10 — 23.15 Янгиликлар.

**IV**

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

## ПАЙШАНБА, 20

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ака-ука Эшжоновлар». Мусиқий дастур.
9.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
9.20 «Кўҳна тарих». Кинодастур.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фармон ва ижро». Рақобат ҳақиқат демакдир.

**Ўқув машғулотлари:**

10.30 Абитуриент-96. Биология.
10.55 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.20 Абитуриент-96. Адабиёт.
11.45 Инглиз тили.

*

12.20 Футбол. Европа чемпионати.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Той бола».
18.30 «Чемпион билан учрашув». Шуҳрат Аҳмедов.
18.50 «Менда фикр бор». Телевизион клуб.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
21.05 «Табаррук қадамжолар». Соҳибқирон авлодлари.
21.25 «Ҳофизлар хониш қилганда». Мусиқий дастур.
21.55 «Бўстон». Телевизион журнал.
22.35 «Кино ва телевидение оламида». Кинокўрсатув.
23.15 Мусиқий дақиқалар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Европа чемпионати.
01.25 — 01.35 Тунги концерт.

**II**

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дармон».
20.10 «Сизнинг услуб».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Автосалон».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 — 00.40 «Спорт қитъаси».

**III**

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Музей заллари бўйлаб». Телефильм.

*

**Россия жамоат телевидениеси**

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

**18.10 — 20.40**

*

20.40 «Эстафета». Спорт кўрсатуви.
20.55 Эълонлар.

*

**Россия давлат телевидениеси**
**21.00 — 21.30**

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.25 «Мусиқа ҳақида мулоқот». Моцарт. 2-кўрсатув.
23.10 — 23.15 Янгиликлар.

**IV**

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

## ЖУМА, 21

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Юзма-юз». Мулоқот.
8.45 «Кино ва телевидение оламида». Кинокўрсатув.
9.25 «Қирқ ҳунар ҳам оз...».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ёшлик» студияси. «Мактубларингизни ўқиб...».

**Ўқув машғулотлари:**

10.30 Немис тили.
11.00 «Маърифат маскани».

*

11.20 «Олтин мерос». Эшвой.
11.50 «Бўстон». Телевизион журнал.
12.30 «Ҳамкорлик самараси». Ширага қарши кураш усули.
12.45 «Ана Бумбо келди». Болалар учун фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Синфдош». Тележурнал.
18.40 Мусиқий дақиқалар.
18.55 Хиванинг 2500 йиллигига. «Абадият ёғдуси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Таянч устунлар». Етакчи тармоқлар.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
21.05 «Марказ ва минтақалар». Бухоро вилояти иқтисодиётининг таркибий тизимлари.
21.45 «Пойтахт концерт залларида». Мусиқий дастур.
22.25 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол майдонларида.
00.25 — 00.35 Тунги концерт.

**II**

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эртак».
18.25 «Юлдузлар».
18.55 «Блиц». Фотокўрик.
19.05 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сиздан ишорат...».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ривоят».
21.10 «Эртага — шанба».
21.25 «Мафтункор чеҳралар».
21.50 «Таманно».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 — 23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

**III**

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Менинг республикам». Телефильм.

*

**Россия жамоат телевидениеси**

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

**18.15 — 20.40**

*

20.40 «Бир умр мобайнида». Телефильм.

*

**Россия давлат телевидениеси**
**21.00 — 21.30**

*

21.30 Янгиликлар.
21.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

**IV**

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

## ШАНБА, 22

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
9.50 «Қайнона». Бадиий фильм.
11.10 «Сўз сеҳри». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, аскиячи Махсум Қозоқовнинг 75 йиллигига.
11.40 «Кичкинтой устахонаси».
12.10 «Ғазалхон ёшлигим». Тележурнал.
12.40 — 14.10 «Маънавият» видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Кувноқлар даврасида».
18.30 Спорт хабарномаси.
18.40 «Пул ҳангомалари». Ғ. Ғулом ҳажвиялари асосида.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Қўшиқлар кўрик-танлови.
21.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Нефтчи».
23.00 «Жаҳон бир ҳафта ичида».
23.15 «Ўзбекистон юлдузлари». Мусиқий дастур.
23.50 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

**II**

9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
9.35 «Компьютер-Осиё».
10.05 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
10.55 Болалар учун фильм.
12.35 «Автосалон».
12.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
13.35 «Кинонигоҳ».
15.15 «Спорт қитъаси».
18.00 «Совға».
18.20 Эълонлар.
18.25 «Олам». Маърифий кўрсатув.
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мактуб».
20.05 «Имкон чўққилари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кўнгил». Дилшод Шамснинг муаллифлик кўрсатуви.
21.30 Видео янгиликлари.
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 — 00.10 Видео — «О».

**III**

16.35 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

**Россия жамоат телевидениеси**
**16.45 — 20.40**

*

20.40 Футбол. Европа чемпионати. 1/4 финал.
22.40 Эълонлар.
22.45 «Театр воқеалари». Телефильм.

*

**Россия давлат телевидениеси**
**23.30 — 24.00**

*

24.00 — 00.10 «Филон». Телефильм.

**IV**

10.00 «Болалар интерфестивали-96». Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган кўрсатув.
11.00 Эълонлар.
11.05 — 12.25 «Капитан Врунгелн

Назм

# БИЗДАН НАРИ ҚОЧИБ БОРАР...

Ҳилола АБДИАЗИМОВА

## Ўғлимга

*Айтганини қилар мардим,*
*Ҳаммага бахт тилар, мардим,*
*Қараб туриб кўзларимга*
*Ичимдагин билар мардим —*
*Хожиакбар, Хожиакбар,*
*Биздан нари қочиб борар.*

*Қариндошга қайишарим,*
*Ишкал бўлса қай ишларим,*
*Чора топган нажоткорим,*
*Менинг тирноқ ҳам тишларим —*
*Хожиакбар, Хожиакбар,*
*Биздан нари қочиб борар.*

*Уйлайверсам, уйим етмас,*
*Бўйим чўзсам, бўйим етмас,*
*Азасига уланган ул —*
*Данғиллама тўйи етмас —*
*Хожиакбар, Хожиакбар,*
*Биздан нари қочиб борар.*

*Ёлғон-яшиққа йўқ ўғлон,*
*Чирсиллаб ёнар чўғ ўғлон,*
*Борса келмас томон кетган*
*Бағримдан учган ўқ ўғлон —*
*Хожиакбар, Хожиакбар,*
*Биздан нари қочиб борар.*

*Ичимдаги олов бўлиб,*
*Учмас ёди қалов бўлиб,*
*Билиб-билмай қилиб қўйган*
*Гуноҳимга тўлов бўлиб,*
*Хожиакбар, Хожиакбар,*
*Биздан нари қочиб борар...*

***

*Уша, мендан кўра сулувдан*
*Сени нега бунча қизғандим,*
*Қизғончимни сўра, сулувдан,*
*Сўра, нега ўчдим, ҳам ёндим?*

*Ҳузурингда чўққа айландим,*
*Унта жонинг бўлса қўй гаров.*
*Сенга учган ўққа айландим,*
*Мингта жонинг бўлса қўй гаров.*

*Сулув айтар, ёнган кўзлари*
*Нега сен-ла чўғланганини.*
*Бу оламдан тонган кўзлари*
*Билмам, қайга чоғланганини!*

*Эҳ, ғамимни фарқ этолмассан,*
*Холатимни шарҳ этолмассан,*
*Сен мен бўлиб, мендай бўлмайин,*
*Ҳасратимни тарқатолмассан!*

***

*Осмондаги булутман,*
*Сени асло унутмам,*
*Тўкиламан ёш бўлиб,*
*Арпа, буғдой, ош бўлиб.*

*Кетди даврон деганлар,*
*Утди карвон деганлар,*
*Янглишарлар, янглишар,*
*Дили вайрон деганлар.*

*Дилим — уйинг билан банд,*
*Қушиқ, куйинг билан банд.*
*Яшаганман, яшайман,*
*Умрингга умрим пайванд.*

*Осмондаги булутман,*
*Сени асло унутмам...*

***

*Ҳамон уша-ўшасан:*
*Жайҳун каби жўшасан.*
*Ташна дилни қондирмай,*
*Дардимга дард қўшасан.*

*Қули қисқа Оролман,*
*Йули қисқа Оролман.*
*Сендек тошқин, шошқиннинг*
*Хохишига қаролман.*

*Узим ўзимга душман,*
*Узим ўзимга дўстман.*
*Душманни билмай дўстдан,*
*Дилгир дилимда пушмон.*

*Сен-чи уша-ўшасан,*
*Жайҳун каби жўшасан.*
*Парланиб, ҳаволаниб*
*Бир кун ерга тушасан...*

*Ҳарфлардан ясаб сўз,*
*Сўзлардан гап тузасан.*
*Фикрингни қайиқ қилиб,*
*Ҳаёл ичра сузасан.*

*Ниятларинг покдомон,*
*Ўзингга бўлсин ҳамроҳ...*
*Болалар ҳаёл сурар,*
*Катталар-чи, бепарво.*

*Газета саҳифаланаётганда*

## ЧЕМПИОНЛАР МУКОФОТЛАРИ МУЗЕЙГА ҚЎЙИЛАДИ

Узбекистон мустақиллигининг беш йиллиги байрам қилинадиган кунларда Республика олимпия шон-шуҳрати музейи эшиклари очилади. Музей Шароф Рашидов шоҳкўчасида, Мардлик ҳайкали ёнидаги саройда жойлашади.

Республика жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасида бўлиб ўтган кенгашда шу муҳим воқеага қандай тайёргарлик кўрилаётгани ҳақида гап борди. Унда хомаки чизгилар кўриб чиқилди, Олимпия шон-шуҳрати музейини барпо этишда Спорт қўмитаси билан биргаликда иштирок этаётган вазирлик ва идораларнинг етакчи мутахассислари ҳисоботлари тингланди.

Кенгашда узбекистонлик олимпия ва жаҳон чемпионлари Руфат Рисқиев, Собир Рузиев, Вера Дуюнова, Владимир Шин, Валинтина Баллод, Лариса Павлова, Сергей Коннов, Комил Фатхуллин ва Наталья Устинова ўз мукофотларини музейга қўйиш учун бергани маълум қилинди.

**(ЎзА)**

## ЖУРНАЛИСТЛАР МУКОФОТЛАНДИ

Журналистларнинг экология мавзусида ёзган ишлари бўйича республика курик-танлови якунланди. Курик-танлов бир йил муқаддам «Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамғармаси, республика журналистлар уюшмаси, Узбекистон телерадиокомпанияси ва матбуот давлат қўмитаси томонидан эълон қилинган эди.

Россия жамоатчилик телевидениесининг Узбекистон бўйича мухбири Шаҳноза ҒАНИЕВА, Узбекистон миллий ахборот агентлиги етакчи шарҳловчиси Анна ИВАНОВА ва «Народное слово» газетасининг бўлим муҳаррири Раим ФАРҲОДИЙ учта биринчи мукофотни қўлга киритиб, курик совриндори бўлишди.

Курикда яна учта иккинчи ва иккита учинчи мукофот ҳам таъсис этилган эди. Бу мукофотлар атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли саломатлиги муаммоларини изчил ёритиб борган фаол журналистларга берилди.

**(ЎзА мухбири).**

## Ранг-баранг олам

### «УЙҚУЧИЛАР»

ПРИМОРЬЕ ўлкасида чиқадиган «Восход» газетаси ёш мухбирлари ғалати сўров ўтказишди. Улар 15-17 яшар ўз тенгдошларига: «Агар бир кеча-кундузда ортиқча яна бир соат пайдо бўлиб қолса, уни нимага сарфлар эдингиз?» деган савол билан мурожаат қилишди.

«Мусиқа эшитардим», «Кино томошаб қилардим», «Сув ҳавзасига борардим» каби жавоблар атиги бир нечта фоизни ташкил қилгани ҳолда «тўйиб ухлаб олардим» деган жавоб 85 фоизга етган. Бундай «уйқучилик» сабабини ёшларнинг ўзи мактабда ва уйда иш кўплиги билан изоҳлашади. Мутахассислар эса буни юқори синф ўқувчилари емишининг ночорлигидан, деб ҳисоблашмоқда. Буш қоп тик турмайди, деб шуни айтсалар керак-да.

### ҚУЛОҚ ИЗИ

Ўғри эшик қулфини бузишдан олдин уйда одам борми-йўқлигини билиш учун дастлаб эшикка қулоқ тутиб, эшитиб кўради. Гонконг полицияси қулоқ ҳам бармоқ сингари ҳеч кимникига ўхшашсиз ўз изини қолдиради, деб ҳисоблайди. Аммо, афсуслар бўлсинким, ҳозирча суд буни етарли даражадаги далил сифатида тан олмай келаётир.

Айни вақтда Глазго университети ходимлари ўғрилар Лондон уйлари эшикларида қолдирган кўплаб қулоқ изларини тадқиқ қилиб, бу излар шак-шубҳасиз далил сифатида хизмат қилиши мумкин, деган хулосага келдилар.

Бу ҳақда Британия полицияси тенглаштириш (қиёслаш) бўлими бошлиғи Пол Гест шундай дейди: «Бармоқ изларини билан боғлиқ ҳолатларда мутахассисларга бармоқ тешиккчаларидан ажралиб чиқадиган тер ёрдамга келади. Қулоқ изларини учун ҳам шу усул қўлланилади».

### «ЯН ДА» — «ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАТЪИЙ ЗАРБА БЕРАМИЗ!»

Чуньшен исмли йигит ёлғиз қайтаётган қизнинг ортидан таъқиб қилиб то уйигача борган ва ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб унинг номусига теккан, ўлдирган, сўнг уйдаги қимматбаҳо буюмларни ўғирлаган...

Қишлоқдан шаҳарга иш қидириб келган икки йигит таксичини бўғиб ўлдирган...

Улар ва яна юзлаб жиноятчилар барчанинг кўз ўнгида — стадионда тавбасига таянтирилиб, қатл этилди. Пайқаган бўлсангиз, бу воқеалар Хитойда юз берётир. Икки қайта дунёда энг кўп аҳоли яшайдиган бу мамлакатда «Ян да», яъни «Жиноятчиликка қатъий зарба берамиз!» шиори остида кампания давом этаётир ва жиноятчилар устидан ҳукм... стадионда ўқилаётир. Қизиги шундаки, Европа мамлакатларида ўлим жазосини бекор қилиш ҳақида гап бораётган бир пайтда Хитой аҳолиси бу кампанияни қизғин қўллаб-қувватламоқда.

(Боши 3-бетда)

# «УЛУҒ СУВ НАЗАРҒА КЕЛДИ»

Учинчи мисол, узига хос ҳолат. Лашкарлари билан юрт кезган Бобур ҳамиша, ҳамма жойда тасодифларга дуч келган. Бу мисол ҳар қандай ҳолатга ҳамиша ҳозир бўлиш, шу ҳолатдан эсон-омон чиқишни идрок қилиш, табиатнинг ҳамма шароитидан оқилона фойдаланиш ва уни чуқур тасаввур қилиш демакдир. Бобур бу руддан неча марта ўтган, аммо суви бўлганини кўрган эмас. Бироқ, бу сафар бевақт содир бўлган «ёз ёғинлари жиҳатидан» катта сел келиб, ҳатто отларни ўтишига жиддий монелик қилган. Хуллас, Бобур тасвирида бундай ҳолатларга ҳамиша хозир туриш лозимлиги қайди бор.

«Бобурнома» сув ва у билан боғлиқ мавзуларга сероб насрий асар. Ана шундай масоллардан яна бирига мурожаат этамиз. Бунда юқоридаги мисолларимиздек «йўлаки» нигоҳ йўқ. Муаллифнинг аниқ мақсади, синчковлиги, тасвир объектининг ҳар бир жихатига нозик эътибор бериши бор. Тасвир объекти Бобурнинг ўзи учун ҳам ўта янгилик, қизиқарли. Ҳиндистонда ерни суғориш ва уни маҳаллий ўғит билан озиқлантириш учун ҳар қандай жой ва шароитда ҳам амалга ошириши мумкин эмаслигини билган Бобур, бу усулни кўрсатиб ундан бемалол ҳар жойда фойдаланиш мумкинлигини зимдан билдиради. Муаллиф бу жараённи шунчалик аниқ, деталларгача ёритиб берадики, ҳар ким ҳам агар истаса уни қуриб фойдаланиши мумкин. Бироқ, Бобур фикрича, бу иш «машақкатлиқтур», аммо «муродлиғи ҳам бор». Шу бир сўз ва бир иборада муаллифнинг «меҳнат қилмасанг, муродга етмайсан» деган мақолнинг тўла, жонли ифодаси бор. Бу одамларни меҳнатга чорлаш, эринмаслик, яратувчанлик билан шуғулланишга тарбиялаш — нақшбандия таълимоти, тасаввуф ғояларини ҳаётга тадбиқ этиш мисоли ҳамдир: «Яна Агра ва Чандувор ва Биёна ва бу навоҳида далв (резинали пақир — Ҳ.Қ) била сув берурлар. Бу машақкатлиқтур ва муродлиғи ҳам бор. Чоҳ ёқасида айри йиғочни беркутиб, айрининг орасида ғалтак тартиб қилибтурлар. Узун арғамчига улуг далвни боғлаб, бу ғалтак устига солибтурлар. Арғамчининг бир учини уйга боғлабтурлар. Бир киши уйни ҳайдамоқ керак, бир киши далв сувни тукмақ керак. Ҳар қатла уй тортиб, далвни чиқориб, ёнар махалда ул арғамчи уйнинг йўлиғаким, уй сийдук ва тезаги била мулаввасдур, тегиб, яна чоҳха тушар. Баъзи ариоатларга сув эҳтиёж бўлса, қуза била эр ва хотун сув ташиб суғорадурлар».

Заҳириддин Бобурнинг ирригация ва ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги қарашлари фақат адабиётшунослик нуқтаи назари билан эмас, балки шу фаннинг моҳияти жиҳатидан ҳам урганишга лойиқ. Кўпинча бу мавзу архитектура соҳаси, мавзуи билан уйғунлашиб келар экан, кўз ўнгимизда Қомусий билимдон Бобурни гавдалантиради. Унинг ҳаётий хулосалари, ҳар бир иншоот қурилишига фақат шоҳ сифатида эмас, эстетик диди баланд меъмор олим сифатида ёндошиши диққатга сазовор. Бобур даврида ҳовузлар фақат сув заҳираси вазифасини бажармасдан боғ, шаҳар, табиатнинг ажралмис бўлаги сифатида унинг гўзал бўлишига ҳам ҳисса қўшган иншоот бўлган. Шу боис, «Бобурнома»да муаллиф бу хавзларнинг мавқеи, чуқурлиги, қаеридан сув кириб қайси томонидан чиқиши, атрофидаги дарахтлари, суф фалари, қўрғону оддий табиатнинг бошқа қисмлари билан ҳамшафатлиги, қайси тош: мармар, тарашланган ёки тарашланмаган, уларнинг ранг ва табиат қаршиликларига чидами ҳақида ҳам батафсил маълумот қолдирган: «Якпора тошда буюрилган калладор ҳавзнинг юзини бир мартаба тамом кўтармайдурлар эди, буюрулдиким, сангтарошлар қўпроқ келиб, бир мартаба, ҳавзнинг тубини дуруст олсунларким, сув қуюб, атрофини тарозу қилса бўлгай. Кеч намоз дигар ҳавзнинг бир мартаба юзини тамом олдилар. Буюрдимким, сув тўлдирдилар. Атрофини сув билан тарозу қилиб, ҳамвор қилмоққа машғул бўлдилар. Бу навбат яна бир обхона буюрдимким, ерини якпора тошдин тарош қилгайлар, ичидаги кичик ҳавзни ҳам якпора тошдин қозғойлар».

Мана бу мисол узгача характерга эга. Сувнинг заҳираси, ҳажми табиатда унинг таъсирида вужудга келган ҳолатлар кўрсатилган шу қатори бу кўл қанчалик катта бўлмасин, унинг заҳираси «алдамчи»лиги ҳам уқдирилган. Бу шунчаки оддий тасвир эмас, шоҳ Бобур диққатини йўл-йўлакай ўзига тортган ҳам эмас. Масалан, Бобурнинг қўшинлари шу йўлдан ўтганда, яна мабодо шу йўлдан қайтганда сувнинг бўлиш-бўлмаслигига ишонч ҳосил қилиш, унинг ҳамиша мавжуд бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлаш, бу мавсумий оқар сув эканлигига диққатни тортганлигини ҳам кўрамиз: «...Бир арғамчи баланд қиёдан бир тегирмон суйи шорилдаб тушадур. Бу сув тушар ердин қуйироқ улуг кўл бўлубтур. Бу сувнинг ёқаларида якпора парча-парча тошлар тушубтур, ўлтурғудек, вале бу сув доимий эмас эмиш. Обшорнинг устида ўлтириб, маъжун едук. Сув юқори бориб, сувнинг бидоятигача сайр қилиб, ёниб, бир баланди устига чиқиб, муддате ўлтурдук».

Бобур ҳамиша жой тасвирларини берганда сув таъминоти масаласига алоҳида эътибор беради, дедик. Афғонистоннинг Нингнаҳор вилояти субтропик ўлка. Унинг атрофини Кўҳи сафед (ҳозир афғонлар бу тоғни пушту тилидаги номи Спинғар-Оқ олтин номи билан атайдилар — Ҳ.Қ) ураган. Бобур шу тоғларнинг сув манбаи, сифати, ҳажми, ёғини, ҳавосини жуда қисқа матнда аниқ ва кенг ифода этган. Айниқса унинг синчковлиги шу даражада етадики, «ҳар қачон Қобулда қор ёғса бу тоғнинг қулласига қор тушар, Лағмон эли Қобулда қор ёқғонини мундин билурлар», дейди (Қобул ва Нингарҳор ораси 140-150 км — Ҳ.Қ). Мана уша матн: «Кўҳи Сафед Нингнаҳорнинг жанубида воқеъ бўлубтур, Бенгаш билан Нингнаҳорга восита ушбу тоғдур. Отлиққа йўл йўқтур. Туққуз руд ушбу тоғдин чиқар, бу тоғдин қор ҳаргиз ўқсумас. Бу жиҳоттин ғолибо Кўҳи Сафед дерлар. Қуйи жулгада ҳаргиз қор тушмас. Фосила тушчалик йўлдур. Бу тоғдоманасида яхши ҳаволиқ ерлар бор. Сувлари совуқ, яхга анда ҳеч эҳтиёж бўлмас».

Заҳириддин Бобур учун юрт олиш, қўшин тортиш, шеър ёзиш, «Бобурнома»дек жаҳонда ном чиқарган асарни яратиш қанчалик умр мазмуни бўлса, ариқ қазиш, сув чиқариш, боғ яратиш, сув тўғонлари қуриш, сув иншоотларини таъмирлаш ҳам ҳаёт мазмунига айланган эди десак, муболаға бўлмас. Бу даъвомизга «Бобурнома»да келтирилган қатор далиллар гувоҳлиқ беради. Султон Маҳмуд Ғазнавий даврида (X-XI асрлар) кўпгина сув тўғонлари, сув иншоотлари қурилган. Жумладан, Ғазни шаҳрида уша пайтда шу ерда яшаган Абу Райҳон Беруний таклифи, Султон Маҳмуд амри билан кориз (ер ости йўллар билан сув ўтказиш ва суғориш усули)лар кавланган. Ҳозир ҳам Афғонистоннинг бу вилоятида кориз усулида суғориш ишларини олиб бориш кенг йўлга қўйилган. Ана шу даврда қурилган сув тўғони (банд)ни Аловуддин Жахонсуз Ғурий томонидан бузиб ташланган ва жуда кўп ерлар суғорилмай қолиб кетган. Бобурнинг ёзишича, у шу бандни қайта таъмирлаш, ерларга иккинчи умр беришга амр берган: (Биз 1978-79 йилларда Ғазни шаҳрида бўлганимизда, бу сув тўғони ҳали ҳам фаолиятда эди ва халқ уни «Банди Султон» номи билан атаганини, маҳаллий халқ бандни Бобур томонидан таъмирланганлигини мамнуният билан эслаганлигига гувоҳ бўлганмиз — Ҳ.Қ): «Султон (Маҳмуд) замонида учтўрт банд бор экандур...Аловуддин Жахонсуз Ғурий бу вилоятқа мусаллит бўлганда бу бандни бузубтур ва султон авлодининг бисёр мақорибини қуйдурубтур. Ғазни шахрини бузубтур ва қуйдурубтур, элни талабтур, ўлтурубтур, қатл ва бузуқлиқтин дақиқа номарьи қўймабтур. Андин бери бу банд бузуқдур. Ҳиндустонни фатҳ қилғон йил бу бандни ясамоқ учун Хожа Калондин ёрмоқ йиборилди. Тангри иноятидин умид борким, бу банд ободон бўлгай». Мазкур матннинг яна бир жиҳатига эътибор берайлик. Бунда Бобурнинг Ғазни шаҳрини харобага унинг аҳолисини қатли омга топширган Аловуддин Жахонсуз Ғурийга берган баҳо ҳам мавжуд. Муаллиф унинг қилган барча ғайриинсоний ҳаракатларининг бошида банди Султонни бузганлигини кўрсатмоқда. Бобур ва Аловуддиннинг ўртасидаги шоҳлар қисматидан, давлат бошқаришидан ҳам Бобурнинг қиёсий афзаллиги, бунёдкорлиги, борган юртида ободонлик учун жон куйдирганини кўрсатмоқда. Бобур барибир, бунда қиёс йўли билан ўзини Аловуддин билан бирга келтирмоқда, нолойиқ шоҳларнинг бузганини тузатдим, деган фикр ҳам йўқ эмас. Яна бир нозик жиҳати, Бобур Афғонистонда яшаб, унинг худудида бўлган Ғазни шаҳридаги сув тўғонини таъмирлаётгани йўқ, балки Ҳиндустондан туриб бунга амр бермоқдаки бу ҳам маълум даражада унинг ўз салтанатини қаери бўлмасин обод этишга интилганлигини кўрсатади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қурган ёморат, иншоот, боғ-роғлари ҳисобсиз. Биз ана шу боғлардан бирининг тасвирини сув ва суғориш масаласи билан бевосита боғлиқлиги туфайли бу ерда келтириб, шу билан умумий хулоса қилиш ниятидамиз: «Бу чашманинг атрофини мен сангкорлик қилдим. Чашмани гач ва соружа била даҳи дар даҳ қилдурдум. Бу чашманинг чор ҳади сиёқлик, ғуниялиқ таҳти бўлди, тамом арғувонзорга мушриф, арғувон гули очилган маҳалда мунча ер маълум эмаским, оламда бўлгай. Сариқ арғувони ҳам бисёр бўлур. Сариқ арғувон била қизил арғувон доманада дар ҳам очилур. Бу чашманинг ғарби — жанубий тарафида бир дарадин ҳамиша ярим тегирмон суйи жорийдур. Бу мен ариқ қазидруб, дашти Саёроннинг ғарби — жануби тарафидаги пуштанинг устига келтуртум. Пуштанинг устида улуғ гирд суфа солдурдум. Бу ариқнинг тарихи «жўйи хуш» топилди». Шундай қилиб, Заҳириддин Бобурнинг борлиқ, табиат, ҳаётни тасвирлашида сув ва суғориш мавзуи «Бобурнома» даги барча мавзулар билан чамбарчас боғлиқ ифода этилиб келинганлиги, бу тасвирларнинг ўта ҳаётийлиги, турмушнинг ўзидан келиб чиққанлиги муаллифнинг кенг дунёқараши, қомусий билимга эга эканлигидан тўла далолат беради. Бундан ташқари юқоридаги мисоллар темурий шаҳзодалар тасарруфларида бўлган юртларда ободонлик, қурилиш, боғ яратиш, кўнгил очар масканларни бунёд этганларидан дарак беради.

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ, филология фанлари номзоди, доцент.**

● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ●

# НАВБАТ ТЕННИСЧИ АЁЛЛАРГА

Тошкентда биринчи бор аёллар ўртасида «Челенжер» туркумига кирувчи халқаро мусобақа ўтказилмоқда. Пойтахтнинг «Динамо» теннис ўйингоҳида 21 мамлакат теннисчилари мусобақанинг бош совринни учун кураш олиб бормоқдалар.

Яқин яқингача Узбекистонда теннисни ҳақиқий спорт тури бўлади дейишса кўпчилик ишонмасди. Ушбу спорт турини ўзларининг «касб»лари қилиб олган ўз ишининг устлари пайдо бўлмоқда.

Тўғриси, республикамиз мустақилликка эришгач, спортни ривожлантиришга қаратилган ҳаракат янада кучайди. Республика Президенти ташаббуси билан Тошкентда икки марта «Президент совринни» халқаро мусобақалари ўтказилди. Жаҳон андозаларига мос «Юнусобод» теннис корти қуриб битказилди. «Хадра» ёпиқ теннис маркази очилди.

Лекин, аёллар ўртасида теннис турнирини ташкил этиш фақат яқин келажакдаги режалар сифатида қаралар эди.

Ниҳоят, 10 июнь куни ушбу режа ҳам амалга оширилди.

Эркаклар ўртасидаги турнирлардан сўнг, аёллар ўртасидаги ушбу мусобақани ўтказилиши республикамизнинг яқин келажакда йирик теннис мамлакатига айланишига даъвогар эканлигини кўрсатди.

Хуллас, мусобақа бошлаб юборилди.

Кутилганидек, Елена Татаркина (Украина), Каролина Шнайдер (Германия), Екатерина Сисоева (Россия), Петра Руссергтер (Австрия), Катрин Килш (Германия), Лимор Габан (Исроил) ўз рақибларини қийинчиликларсиз енгишди.

Лекин ўйингоҳга йиғилган барча теннис мухлисларининг диққат эътибори ҳамюртларимиз Ирода Тулаганова, Лилия Биктекова, Оксана Яриковаларга қаратилган.

Мусобақанинг биринчи куни энди 14 ёшга қадам қўйиб, профессионал теннис майдонига илк марта чиқаётган вакилимиз Ирода Тулаганова жаҳон теннисчилари қаторида 316 ўринни эгаллаб турган голландиялик Аник Снийдерсга қарши майдонга чиқди. Ирода майдонда ҳақиқий ирода кўрсатиб, биринчи сетда ғалаба қозонди. Бироқ, тажриба ҳамиша ғолиб деганларидек Снийдерс ёш спортчимизнинг эпчил тез ҳаракатларига қарши тажриба маҳоратини кўрсата билди. Ва ўз ғалабасини таъминлади. Учрашув сўнгтида Ирода шундай дейди:

— Учрашув олдидан рақибимдан ҳеч ҳайқишсиз устун келаман деб ўйлаган эдим. Лекин, тажриба устун келди. аксига енгил жароҳатим иккинчи сетда менга бироз ҳалақит берди.

Ҳақиқатан ҳам ғалаба юксак маҳоратни маҳорат эса тажрибани талаб этса, тажриба учун эса ўз навбатида вақт керак.

Республикамиз давлат раҳбарларининг ушбу турнирга бўлган эътиборини алоҳида таъкидлаш жоиз. Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Шодиева, Бош Вазир ўринбосари Д. Ғуломова, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулагановларнинг ўйингоҳда ўтириб ҳамюртларимизнинг ҳар бир аниқ тўп ташлашларини мухлислар билан завқ ила олқишлашлари; бехтиёр Узбекистон теннисининг келажаги порлоқлигига ишонтиради.



**Нодир СУБХОН, «Туркистон» мухбири.**

# ВЛАОВИЧ — ЎЙИН ҚАҲРАМОНИ

Биринчиликнинг дастлабки тури ҳам якунланди. Мусобақанинг дастлабки бахслари ўз навбатида жамоаларнинг қай аҳволда ушбу футбол турнирига тайёргарлик кўрганликларини кўрсатди. Германия, Италия, Хорватия, Франция жамоаларининг қўлга киритган илк ғалабалари ушбу жамоаларнинг олтин соврин соҳиби бўлишга иштиеқлари нечоғли баланд эканлиги намоён бўлди.

Футболда бекорга ярим ҳимоясига қараб, жамоанинг кучи белгиланмайди. Заммер, Хеслер, Дель Пьеро, Бобан, Просинечки, Дешамларнинг айнан ўрта чизиқдаги маҳоратлари жамоалар ғалабасини таъминлади.

Германия — Чехия — 2:0.
Италия — Россия — 2:1.

«С» гуруҳининг иккала ғолиб чиққан вакили биринчи ўйиндаёқ туманлар мамлакатига бекорга келмаганликларини, мақсадлари эса фақат ғалаба эканлигини кўрсатди. Айниқса, ярим ҳимоя ва ҳужум чизиқларида жамоалар нечоғли кучли эканликлари маълум бўлди. Зеро, Германия терма жамоасида ярим ҳимоячилар Циге ва Меллер тўп киритиб, жамоаларига ғалаба келтирган бўлсалар, Скуадро Адзуранинг россияликлар устидан ғалабасини бир ҳужумчи — Казирагининг ўзи юқори даражада уддалай олди. Шунга қарамай италияликларнинг ҳимоя чизиғидаги камчиликлар бўлажак рақибларини улар устидан ғалаба қозониши мумкинлигига ишонтирди. Айниқса, Франко Барезининг ўйинларда иштирок этмаётганлиги италияликлар ҳимоя чизигини бўшаштириб юборди. Россиялик Капчелискас, Мостовой, Кирьяковларнинг омади чопмаганлиги сабабли Италия терма жамоаси ушбу ўйинда маглубиятга учрамади, десак хато бўлмас.

Диққат эътиборингизни яна бир ўйинга қаратмоқчиман. Хорватия — Туркия — 1:0. Ушбу матч бир қанча саволларга жавоб қайтариши зарур эди. Аввало саралаш босқичида италияликларни енгиб, ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллаган Хорватия жамоасининг ушбу мусобақага тайёргарлиги катта қизиқишлар уйғотаётганлиги сир эмас эди.

Умуман, Европа биринчилиги каби йирик мусобақада биринчи бор иштирок этишига қарамай, асосий даъвогарга айланганлиги ҳам ушбу ўйинга алоҳида қизиқиш уйғотди. Умуман олганда, биринчи ўйин хорватияликларга ўз кучларига ишонч ҳиссини уйғотди. Жангу жадаллар эвазига жароҳат билан Бобан ва Бокшич каби Европанинг ёрқин юлдузларининг майдонни тарк этишларига қарамай, Хорватия терма жамоаси ўмуман кучли жамоа эканлигини яна бир бор намойиш этди.

Ярим ҳимоячи Влаовичнинг майдон марказидан барча рақибларни ортда қолдириб, дарвозабон билан яккама-якка чиқиб урган голини биринчиликнинг энг чиройли киритилган голи деб ҳозирданоқ ҳисоблаш мумкиндир.

Умуман олганда ўртага 20-22 ёшларни ташкил этаётган португалияликлар ҳам энди яклил жамоа сифатида шаклланаётган Франция жамоасидан ҳам кўп янгиликлар кутиш мумкиндир. Лекин, ҳозирдан айтиш мумкинки Руи Кошта, Пинту, Байя, Дегари, Дешам каби футболчиларнинг ўз устиларида кўпроқ ишлашлари бу жамоаларнинг бугун бўлмаса 1998 йил жаҳон биринчилигида энг кучлилар сафидан жой олишларига имкон яратади.

13 июнь куни биринчиликнинг иккинчи турида қўйидаги натижалар қайд этилди:

Болгария — Руминия — 1:0
Швецария — Голландия — 0:2

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ
Ҳомий:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАТБУОТ ТАРҚАТИШ УЮШМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 36-56-58;
хатлар бўлими — 36-54-65; тижорат бўлими — 33-79-69, 36-58-48; ижодкор ёшлар — 36-57-52; котибият — 36-55-96.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Реклама ва эълонлар учун тел.: 33-95-97, 33-79-69

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Буюртма Г. — 0310
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Ҳажми — 2 табоқ. Тираж — 9604.
Газета ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти — 21.00
1 2 3 4 5 6